

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 йил, 14 март, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (10.606)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида кеча Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан «Мақтаб мебели, ўкув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжомлари» кўргазмаси очилди. Кўргазмада мактаб мебелларини ишлаб чиқарувчи юздан зиёд фирмалар ўзларининг 71 турдаги энг сара маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларида мевазорларни кенгайтириш ҳамда янги боғлар барпо этишга катта аҳамият берилмоқда. Шу кунгача 2 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди, янги тўздорлар эса 200 гектардан ортиқ майдонни ташкил этди.

• 2004-2009 йилларга мўлжалланган «Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш борасида Яқкабоғ туманида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2005 йилда туманда 5 та мактаб капитал реконструкция қилинди, яна шунчаси капитал таъмирланди. 2 та замонавий типдаги янги мактаб қад ростлади.

• Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида 20 нафар киз тажрибали мураббийлардан зардўзлик сирларини ўрганадиган бўлди. Қизлар бу имкониятни туман маданият саройида ўтказилган меҳнат ярмаркасида қўлга киритди. Ярмаркада тумanning 73 нафар фуқароси иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини имзолади.

• Россиядаги энг йирик авиакомпаниялардан бири ҳисобланмиш «Трансаэро» баҳорнинг илк кунларини Москва ва Бухоро шаҳарлари ўртасида доимий ҳаво йўлининг очилиши билан бошлади. Бухоро ва Москва ўртасидаги рейслар жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи замонавий ва шина «Боинг-737» самолётларида амалга оширилади.

• Наманганда маърифат марказлари яна биттага кўпайди. Вилоят марказидаги Амир Темур кўчасида муҳандислик-иктисодий институти қошидаги академик лицейнинг янги ҳашаматли биноси қад ростлади. «Ёшлар» мажмуаси ёнида бунёд этилган 720 ўрилли ўқув даргоҳи учун 2 миллиард сўм маблағ сарфланди. 3,7 гектар майдонни эгаллаган лицей ҳудудида 1,5 гектар боғ ҳам бунёд этилди.

• Қарши шаҳрида Жанубий корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда янги кўшма корхона ташкил этилди. «Ал-Азиз-Гарант» номи мазкур кўшма корхона илгари музакиймоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ал-Азиз-Мурод» ТМЖ ҳамда Жанубий Корейнинг «Дехан Трайдент» корхонаси томонидан таъсис этилди. Кўшма корхонада турли хилдаги полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

ЖАҲОНДА

• АКШ ва Европа БМТ Хавфсизлик Кенгашидан Эронга икки ҳафта муддат берилишини талаб қилмоқда. Шу муддат ичида Эрон урани бойитиш борасидаги, яъни ядро дастури бўйича олиб бораётган ишларини тўхтатиши шарт. Бу ҳақда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга қарши қўлланлиши мумкин бўлган резолюциясида алоҳида қайд этилган.

• Собик Ҳословия президенти Слободан Милошевичнинг танасини ёриб ўрганган голландиялик паталогоанатомлар Милошевич миокард инфарктига чалинган ҳолда ҳаётдан кўз юмганлигини таъкидладилар. Ҳозирча уни қаерга дафн этиш масаласи очкилигича қолмоқда.

• Россия Федерациясининг 68 та минтақасида илк бор ўтказилган ягона сайловлар кунининг дастлабки натижаларига кўра «Единая Россия» партияси етакчилиқ қилмоқда.

• Франциянинг 20 дан ортиқ университет ва факультетлари талабалар томонидан қуршаб олинди. Утган кун мамлакатнинг 10 га яқин шаҳарларида талабаларнинг оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишчилар илк бор ишга қабул қилинаётган ёшларга жорий этиладиган шартнома тўғрисидаги янги қонуннинг бекор қилинишини талаб этишмоқда.

• Косово албанлари озодлиги армиясининг собиқ етакчиси, Белград расмийлари томонидан сербларга қарши геноцидда айбланаётган Алим Чеку Косово Бош вазирга этиб сайланди. У қасамд қабул қилган, Косово Сербия тасарруфидан чиқиб, тўлиқ мустақилликни қўлга киритишига умид билдирди.

• Афғонистоннинг собиқ президенти Сибхатулло Муҳамаддинга суикасд уюштирилди. Қўпровчилик ҳаракати оқибатида собиқ президент тан жароҳати олмаган, икки нафар террорчи қатил қилинган ва битта йўловчи ҳаётдан кўз юмган.

• Лондонда аёллар учун махсус кизил рангга бўялган таксилар қатнови йўлга қўйилди. Унинг ҳайдовчиси ҳам, йўловчиси ҳам фақат аёллар бўлиши мумкин. Ҳозирда 15 та шундай такси фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача уларнинг сонини 200 тага етказиш кўзда тутилган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

• БУГУН «Бинокор» маҳалласида «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари — энг олий қадрият» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида ёшлар, маҳалла фаоллари ва соҳа мутахассислари иштирок этишди.

• ЭРТАГА «Нихол» спорт мажмуасида «Камолот» ЕИХ Бектемир тумани сардорлар кенгаши ташаббуси билан «Спорт менинг ҳаётимда» мавзусида спорт мусобақалари ўтказилади.

• БУГУН Ҳамза туманидаги Авиасозлар коллежида туман «Маънавият ва маърифат» бўлими ташаббуси билан бўлиб ўтган кеча халқимизнинг азалий байрами Наврўз айёмига бағишланди.

• ЧИЛОНЗОР туманидаги «Шарқ» маҳалласида бўлиб ўтган тадбир никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга бағишланди.


• МИРОБОД туманидаги «Кўйлик ота» маҳалласида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси ҳамкорлигида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

• ЮНУСОБОД туманидаги «Обод» маҳалласида Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир Наврўз байрамига бағишланди.

• СОБИР РАҲИМОВ туманидаги «Гузариш» ва «Корасарой» маҳаллаларида шаҳар Фавкулдда вазиятлар бошқармаси ва Тошкент шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда уюштирилган тадбир техноген вазиятларда аҳоли хавфсизлигини таъминлашга бағишланди.

• ҲАМЗА туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида бўлиб ўтган тадбир кўп қаватли хонадонларда яшовчи аҳолининг мулкка бўлган муносибатини шакллантиришга бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.



«Ойдемир-текстиль» кўшма корхонаси тадбиркорлари сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни хорижга экспорт қилишмоқда.
СУРАТДА: корхона цехларида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ш.И.САПИХОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА
Шавкат Исмаилович Салихов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 март

ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИКДА ЯШАЁТГАН ХАЛҚЛАР

АСРЛАР ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА КўПЛАБ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАР ВАКИЛЛАРИ ТИНЧ-ТОТУВ, ЕЛКАМА-ЕЛКА ЯШАБ КЕЛМОҚДА. РЕСПУБЛИКАДАГИ ЭНГ КўП СОНЛИ ДИАСПОРАЛАРДАН БИРИ - ҚОЗОҚ МИЛЛАТИ ВАКИЛЛАРИ.

Мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликнинг асосий гарови бўлиши миллатлараро бирдамлик ва ҳамжихатликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, бу ерда истиқомат қилаётган қозоқларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1989 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Қозоқ ахборот маркази ташкил этилиб, кейинчалик у Республика қозоқ маданияти маркази мактабига айланди.

— Республикада айти пайтда қозоқ миллатига мансуб бир миллиондан зиёд одам истиқомат қилади, — дейди марказ директори Мейранкул Бақиров. — Уларнинг зич истиқомат қилувчи ҳудудлари бу — Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари. 1992 йил мартида Ўзбекистон қозоқларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди ва Қозоқ ахборот маркази Республика қозоқ маданияти марказига айлантирилди. Ушбу марказ таркибига Қорақалпоғистон қозоқ маркази, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги вилоят қозоқ марказлари ҳамда Тошкент шаҳридаги қозоқ маркази кирди.

Марказнинг асосий вазифалари қозоқ маданияти ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш, аждодлар тарихини ўрганиш, турли соҳалардаги ёш иқтидор соҳибларини қидириб топиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборат. Этнография музейи, фольклор ансамбли

ҳамда аудиовидеостудиянинг марказ ҳузурида ташкил этилиши ташкилот фаолиятининг бошқа йўналишларини очиб берди.

— Ўзбекистонда қозоқ тилида таълим олишнинг имкони борми?

— Республикада айти пайтда қозоқ тилида таълим берувчи беш юзга яқин мактаб бор. Ўзбекистон ҳукумати мазкур мактабларни зарур ўқув адабиётлари билан таъминлашга қатъи эътибор қаратмоқда. Қозоқ тилида олий ва касбий таълим бериш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Нукус давлат университетида, Навоий, Ангрэн ва Гулистон педагогика институтларида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган. Тошкент педагогика ва Мирзачўл қишлоқ ҳўжалиги коллежларида, Жиззах тиббиёт техникумида қозоқ тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

— Ўзбекистонда яшаётган қозоқларнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистонда бу масалага жиддий эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистонда қозоқ театри, Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида мусикали-драма театри ташкил этилган. Маданият марказлари ҳузурида миллий, фольклор, ёшлар ва эстрада ансамбллари фаолият кўрсатмоқда. Республика қозоқ маданияти маркази кўмагида 50дан зиёд ёзувчи, оқин ва журналистларнинг китоблари чоп этилди. Республика қозоқ маданияти маркази ва унинг бўлимлари фаолияти ОАВ, хусусан, қозоқ тилида чоп этилувчи «Нурли жол» газетаси, «Дидар» телекўрсатуви, республика радиоси орқали мунтазам равишда ёритилмоқда. Айти пайтда Қорақалпоғистон қозоқ маданияти маркази ҳам ўз наширига эга.

— Ўзбекистонлик қозоқлар ўзларининг қайси юртдошлари билан фахрландилар?

— Ўзбекистон қаҳрамони шарафли номига Навоий вилоятидаги «Бирлик» ширкат ҳўжалиги бош қўпони Серикбай Сағатов ва Қорақалпоғистондаги «Тахтақўпир» ширкат ҳўжалиги раиси Агитай Одилов сазовор бўлганлар. Ўзбекистон халқ расоми Урол Тансиқбоев вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан таъдирланди. 2004-2005 йиллар давомида қозоқ миллатининг 15 нафар вакили «Дўстлик» ордени, 28 киши «Шухрат», уч киши «Меҳнат шухрати», бир киши «Соғлом авлод учун» ва олти киши «Жасорат» медаллари билан таъдирланди.

— Маданият марказининг бугунги фаолиятидаги қайси йўналишларни алоҳида таъкидлашни истардингиз?

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шу жумладан, «Ўзбекистон-Қозоғистон» дўстлик жамияти, Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеяси билан айналоқини яқин ва самарали алоқа ўрнатганмиз. Улар билан ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, республикада Абай, Жамбул, Мухтор Ауэзов, Мухтор Шоҳонов, Собит Муканов ва қозоқ миллий маданиятининг бошқа кўзга кўринган арбобларининг юбилейлари нишонланди. Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакиллари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган, биргаликда турли учрашувлар, тадбирлар, концертлар ташкиллаштирилди.

Марказимиз вакиллари Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Ўзбек миллий маданияти маркази томонидан ҳар йили октябрь ойида ўтказиладиган анъанавий тил ва маданият байрамида иштирок этади. Биз, шунингдек, Жаҳон қозоқ маданияти марказларига уюшмаси томонидан ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларда қатнашамиз.

Ўз маданиятини асраб-авайлаган ҳолда қозоқ марказлари кўп миллатли Ўзбекистонда маънавият ва маданиятнинг ривожига ҳамда халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик ришталарининг мустаҳкамлашига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Замира АЗИЗОХОНОВА,
«Жаҳон» АА

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ БўЛИБ ўтди. МАЖЛИСДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБАВЛАРЛАРДАН НАҚД ПУЛДАГИ ТўЛОВЛАРНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИ ТўҒРИСИДА» 2005 йил 5 АВГУСТ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ ВАКОЛАТИГА КИРУВЧИ БОШҚА ҚАТОР МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, мазкур Комиссия раиси Файзулла Муллажонов бошқарди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг февраль ойида банк кассаларига нақд пулларнинг тушиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 58,5 фоизга, шу жумладан савдо тушумлари 55,9 фоизга ошди, шунингдек нақд пулларнинг банк кассаларига қайтиши 98,5 фоизни ташкил қилди.

Мазкур қарор талабларини бажариш мақсадида қўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ижтимоий тўловлари, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаб бориш

таъминланмоқда. Шунингдек аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган талаби ўз вақтида қондирилмоқда.

Шу билан бирга мажлисда республикамизнинг айрим минтақаларида банк айланмасига нақд пул маблағларини жалб қилишнинг қўшимча манбаларини излаб топиш борасидаги ишлар қоникарсизлиги кескин танқид қилинди.

Мазкур масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссиялари ҳамда республика тижорат банклари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида Андижон, Наманган,

Фарғона ва Тошкент вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисоб-варақалардан нақд пулдаги тўловларни узлуқсиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк кассаларига топширилган нақд савдо тушумлари билан чакана товар обороти ва пулли хизматларнинг амалдаги ҳажмлари ўртасида фарқларни аниқлаш, шунингдек чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишнинг аҳоли юзасидан етарли даражада таҳлиллар ўтказилмаётганлиги, айрим тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг савдо фаолияти билан тегшили ҳўжатларсиз шуғулланаётганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, мажлисда айрим ҳудудларда Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги қарори талаблари етарли даражада бажарилмаётганлиги қайд этилди. Зеро, мазкур қарорнинг 11-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммаларига вазирлик ва идоралар билан биргаликда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконларини очиб чораларини кўриш, уларни аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштириш белгилаб қўйилганлиги қарамасдан, ушбу вазифалар ижроси таъминланмапти. Айниқса, бу борадаги аҳвол Андижон, Наманган, Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларида қоникарсиздир.

Бундан ташқари, айрим ҳудудларда аҳолига маиший ва пулли хизматлар кўрсатиш аҳоли ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермапти. Бу борадаги аҳвол Андижон вилоятининг Кўргонтепа, Марҳамат, Жалолқудук туманларида, Наманган вилоятининг Мингбулак, Чортоқ, Поп туманларида, Фарғона вилоятининг Фурқат, Ўзбекистон, Охунбобоев туманларида, Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ, Пискент, Охангарон туманларида айниқса қоникарсиз бўлиб, уларда аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш республика даражасидан бир неча марта паст.

(Давоми 2-бетда.)

